

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

Каттакўрғон туман халқ таъдими  
бўлими мудири *М. Сабиров* -  
**С.Мингбоев**



2022й

Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун

**ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ**

Каттакўрғон -2022

Танлов хужжатларининг мазмуни:

1. Танлов иштирокчилари учун йурикнома
2. Техник қисм
3. Нархлар қисми

## ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙУРИКНОМА

### 1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ КИЙМАТИ

1.1 Танлов предмети: Каттақўрғон тумани халқ таълими бўлимида қарашли 48-ўрта мактаб биноси жорий таъмирлаш.

Танлов охирги қиймати – Каттақўрғон тумани халқ таълими бўлимида қарашли 48-ўрта мактаб биноси жорий таъмирлаш 143 829 594 (Бир юз қирқ уч миллион саккиз юз йигирма туққиз минг беш юз тўқсон турт) сўм.

Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.2. Бажариладиган иш турлари техник топшириқ танлов хужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари буйича ғолиб чиқкан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

### 2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Каттақўрғон туман халқ таълими бўлими (бундан кейин-«Буюртмачи» деб аталади) –танлов ташкилотчиси хисобланади.

«Буюртмачи» манзили: Самарқанд вилояти Каттақўрғон тумани Мирзо Улуғбек МФЙ А.Навоий кўчаси.

2.2. Танлов «Буюртмачи» томонидан танловлар утказиш буйича тузилган харид комиссияси томонидан утказилади.

2.3. Каттақўрғон туман халқ таълими бўлими «Буюртмачи» томонидан тузилган харид комиссияси томонидан конунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

### 3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклида катъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишига ихтисослашган барча юридик макомга эга булган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга куйдаги малакавий талаблар қўйилади:

- 2020-2021-йиллар ва 2022 йил 31 июл ҳолатига корхона томонидан бажарилган иш ва сотилган товарларнинг солиқдан яширилмаганлиги бўйича баҳолаш. Ушбуни аниқлаш учун кўрсатилган муддат бўйича “soliqservis.uz” дастуридан олинган икки томонлама электрон тасдиқланган штрих коди мавжуд барча фактураларнинг номма-ном “pdf” шаклидаги рўйхати тақдим қилиниши шарт..

- Корхонанинг балансида ёки корхона раҳбарининг номида бўлган юк ташиш техникаларнинг мавжудлиги бўйича баҳолаш. Ушбу талабга таклифни баҳолашда техникаларнинг техпаспорти ва раками кўрсатилган расмлари скриншот, jpg, jpeg формат усулида ёки ушбу усувларни ўз ичига олган pdf ёки “word” шаклида илова қилиниши шарт.

- 2020-2021-йиллар ва 2022й 31 июл ҳолатида бажарилган ишлар ва сотилган маҳсулотларга нисбатан тўланган жами солик тўловларининг улуши бўйича баҳолаш. Кўрсатилган муддатлар учун банкнинг барча ҳисобрақамларидаги айланма маблағлари харакати тўғрисидаги маълумоти (маълда операция бўлган сана, пул келиб тушган ташкилот ва пул чиқиб кетган ташкилотнинг реквизитлари, оборот дебет ва кредит сумма ҳамда тўлов мақсади бўлиши шарт.Ҳар бир варагига банк ўз муҳри ёки штампи,имзоси билан тасдиқлаб бериши шарт) ҳамда кўрсатилган даврлардаги тўлиқ “pdf” шаклидаги штрихли солик солиштирма далолатномалари тақдим этилиши зарур.

Низом маблағи микдори.

3.3. Агар танлов предметни булган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан бодлик фаолият конунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур булса танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофик тегишли лицензияга эга булган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Куйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди;

3.5. Қайта ташкил этилиш (ажратилиши, кушилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара килинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий –хукуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

#### **4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ**

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда ([etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz)) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштирилиши лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар “Буюртмачм” ва “Иштирокчи” ўзбек тилида тақдим қилиниши лозим.

4.3. Куйидаги ҳужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

- Техник таклиф, Фирменни биланкада имзоланган, номерланган ва мухирланган ҳолда;
- Техник ҳужжатлар руйхати (брошурулар, техник паспортлар ёки ўҳшаш ҳужжатлар руйхати илова қилинади);

4.4. Танлов иштирокчиси:

- Факат битта таклиф бериши мумкин;
- Тақдим этилаётган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;
- Таклиф бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳукуқига эга.

#### **5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ**

- 5.1. Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун таълуқли ҳолда элон қилинган муддатдан яни 5 календар кунга узайтирилиши мумкин.
- 5.2. Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йиғилиши қарори асосида амалга оширилади.
- 5.3. Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор маҳсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

## **6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

- 6.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Конун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўлалилар.
- 6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниглаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.
- 6.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни ҳакиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## **7. БОШҚА ШАРТЛАР**

- 7.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклиф бериш муддати тугаган санадан камида икки кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вактда агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисида эълонга ўзгартиришлар киритилади.
- 7.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шакилда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичидан давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шакилда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг қоидаларига доир тунунтиришлар уларнинг мазмун-маҳиятини ўзгартирмаслиги керак.
- 7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичидан маҳсус ахборот порталида эълон қилинади.
- 7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига

танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш түғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштироқчисига тушишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5. Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштироқчиси томонидан белгиланган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.